Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 108 (8408). 6 июнь, 1984 йил, ЧОРШАНБА Баҳоси 3 тийин.

КРЕМЛДАГИ МУЗОКАРАЛАР

4 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлди, музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин;

Руминия томонидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари Э. Бобу, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Стоян, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари И. Тоту, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей қатнашдилар.

Музокаралар пайтида.

К. У. Черненко КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида румин ўртоқларга ахборот бериб, экономиканинг самарадорлигини ошириш, бошқарув системасини такомиллаштириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш соҳасидаги тадбирларнинг аҳамиятини уқтириб ўтди.

Н. Чаушеску РСР меҳнаткашлари РКП XII съезди ва миллий конференциясининг қарорларини қандай бажараётганликларини, шонли сана — мамлакат фашизм зулмидан озод этилганлигининг 40 йиллигига ва Руминия Коммунистик партиясининг шу йил ўтказиладиган XIII съездига кўрилаётган тайёргарлик ишларини гапириб берди.

Музокаралар вақтида КПСС билан РКП, СССР билан РСР ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Шу муносабат билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1970 йил 7 июнь шартномасининг, 1976 йил 24 ноябрь Совет-Руминия қўшма баёнотининг аҳамияти уқтириб ўтилди. Иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш соҳасида бундан буён ҳам тинимсиз куч-ғайратлар сарфлай беришга аҳд қилинганлиги изҳор этилди. Сиёсий, мафкуравий, маданий соҳалардаги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни активлаштириш муддаоси тасдиқланди. Музокараларнинг қатнашчилари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада ўтказиладиган иқтисодий кенгаши муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Актуал халқаро проблемаларни кўриб чиқиш вақтида дунёдаги вазият янада кескинлашганлиги хусусида ташвиш билдирилди, империализм, аввало, АҚШ энг агрессив кучларининг ҳарбий устунликка эришишга, вужудга келган тахминий ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга қаратилган сиёсати кескинлик кучайиб бораётганлигининг энг асосий манбаи эканлиги уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, қардош давлатларнинг мудофаа иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилотини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирила бошлангунча мавжуд бўлган ҳолатни қайтадан тиклаш тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя этиш асосида ядро қуролларига оид музокараларга реал йўл очиши мумкинлигига ишонч изҳор этилди.

Музокаралар амалий, ўртоқлик вазиятида, дўстлик ва ошкоралик муҳитида ўтди.

(ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми 4 июнь куни Катта Кремль саройида РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску шарафига зиёфат берди.

Н. Чаушескунинг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган Руминия партия ва давлат арбоблари у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда К. У. Черненко, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Ҳурматли ўртоқ Чаушеску!

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар!

КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми номидан Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Николае Чаушескуни, шу ерда ҳозир бўлган барча румин ўртоқларни яна бир бор табриклашга ижозат бергайсизлар.

Сизнинг Совет Иттифоқига килган визитингиз шонли сана арафасида ўтмоқда. Яқин орада 1944 йилнинг унутилмас кунига 40 йил тўлади, ўшанда Совет Армиясининг қолибона ҳужуми ва Руминиядаги ватанпарвар кучларнинг қуролли қўзғолони натижасида ҳарбий фашистлар диктатураси ағдариб ташланган, румин халқи олдида янги нурафшон ҳаёт йўли очилган эди.

Урушдан кейинги йилларда румин меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўз мамлакатини қолоқ, аграр мамлакатдан кўп тармоқли, ривожланиб бораётган экономикага эга бўлган социалистик давлатга айлантирдилар. Бу эса бизни ғоят мамнун этади.

Совет—Руминия ҳамкорлиги барқарор ривожланмоқда, десам ҳар иккала томоннинг фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман. Бу ҳамкорликнинг яхши негизи бор, у ҳам бўлса Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома, 1976 йилги Совет—Руминия қўшма баёноти, мамлакатларимизнинг раҳбар партия ва давлат арбобларининг учрашувлари натижасида эришилган аҳдномалардир. Бизнинг бугунги учрашувимиз ҳам бу ҳамкорликнинг янги омили бўлиши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 4 июнь куни Кремлда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескуга Октябрь революцияси орденини топширди.

Орден топшириш пайтида В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат Комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эди. Н. Чаушескуга ҳамроҳ бўлиб келган румин ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Мукофотлаш маросимида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Ҳурматли ўртоқ Чаушеску!

Ўртоқлар!

Мен фахрли ва ёқимли вазифани бажаришим керак.

Совет-Руминия муносабатларини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш беш йил тўлиши муносабати билан Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Николае Чаушеску СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди.

Бугун Сизга юксак мукофот — Октябрь революцияси ордени топширар эканман, бу мукофот Сизга бўлган эзгу туйғуларимиз, Руминия Коммунистик партиясига, Улуғ Октябрь ишини давом эттириш, социалистик ва коммунистик жамият қуриш учун, ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун биргаликдаги курашда сафдошимиз бўлмиш бутун қардош румин халқига нисбатан чуқур ҳурматимиз рамзи эканини уқтириб ўтмоқчиман. Совет кишилари ўз румин дўстларининг ютуқларини юксак қадрлайдилар ва уларга янги зафарлар тилайдилар.

Биз партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари, иттифоқчилик алоқалари марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг метин принциплари негизида, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишини ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда ҳисобга олиб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1970 йил 7 июнь шартномасини ва 1976 йил 24 ноябрь Совет-Руминия қўшма баёнотини ҳаётга татбиқ этиш учун астойдил интилишимизни ва ишончимизни изҳор этаман.

Мен буларнинг ҳаммасини румин халқи билан совет халқи ўртасидаги яхши муносабатларнинг, бир-бирларига изҳор этаётган эзгу туйғулар ва иззат-ҳурматнинг ифодаси деб ва шу билан бирга менинг Руминияда социалистик қурилиш, ривожланган социалистик жамиятни қурилиш, бошқарув системасини такомиллаштириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш соҳасидаги тадбирларнинг аҳамиятини уқтириб ўтилган Коммунистик партиясининг шу йил ўтказиладиган XIII съездига кўрилаётган тайёргарлик ишларини гапириб берди

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Бошн биринчи бетда).

Жуда аниқ-равшан қилиб айтиш мумкинки, биз Совет—Румин муносабатларини сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда янада ривожлантириш учун ҳали кўпгина имкониятларга эга эканлигимизни бугун бўлиб ўтган музокаралар кўрсатди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада ўтказиладиган иқтисодий кенгашидан салмоқли натижалар кутаяпмиз. Бу кенгашда социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоларининг иқтисодий потенциалини кучайтириш йўлларини белгилаш лозим.

Социалистик мамлакатлар ўзларининг тинч бунёдкорлик режаларини мураккаб, кескин ҳалқаро вазиятда амалга оширишларига тўғри келмоқда. Шу кескинлик кучайиб бораётганлиги учун айб дунёга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаётган АҚШнинг ҳукмрон доиралари зиммасига тушади. Улар Совет Иттифоқидан, социалистик давлатлардан ҳарбий устунликка эришиш йўлини қайсарлик билан ўтказмоқдалар, тобора янги турдаги қурол-яроғларни, аввало ядро қуролларини ишлаб чиқаришнинг кенг миқёсли программаларини зудлик билан амалга оширмоқдалар. Қўшма Штатлар космосни ҳам ҳарбий мухолифлик майдонига айлантириш ниятини кўзламоқдалар.

Ғарбий Европада Американинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган биринчи зарба урувчи ядровий ракеталарини жойлаштириш давом этаётганлиги муносабати билан уруш хавфи янада кўпроқ кучаймоқда.

Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи ўз иттифоқчилари билан биргаликда зарур жавоб чораларини кўришга мажбур бўлмоқда. Биз неча қайталаб эйтганимиздек, АҚШ ва НАТО кучларнинг ҳарбий мувозанатини бузишга, социализм дунёси устидан ҳарбий устунликка эришишга муваффақ бўла олмайдилар. Совет Иттифоқининг, дўстларимизнинг хавфсизлиги ҳар қандай шароитда ҳам пишиқ-пухта таъминланади.

Ҳозир НАТО пропагандаси гўё ядро қуроли масалалари хусусидаги музокаралар тўхтаб қолганлиги учун Совет Иттифоқини гуноҳкор қилувчи тезисни кўтариб чиқмоқда. Бу уйдирма Вашингтонга ва Ғарбий Европада унинг измидан чиқмаётган кимсаларга ҳақиқий аҳволни халқлардан яшириш учун керак бўлиб қолганлиги кўриниб турибди. Ҳақиқий аҳвол эса қуйидагича: ҳарбий мувозанатни ўз фойдасига ўзгартиришга, Ғарбий Европа территориясида социалистик давлатларга қарши агрессия бошлаш учун бир майдон тайёрлашга интилаётган Америка ҳукмрон доираларининг сиёсати Женевадаги музокараларни барбод этди, ядро қуроллари хусусидаги музокараларнинг бутун жараёнини издан чиқариб юборди.

Бироқ, халқлар Американинг ракеталари Европада пайдо бўлгани нимага олиб келганини кўриб турибдилар. Вашингтон ҳарбий стратегия соҳасида ҳеч қандай ютуққа эришгани йўқ ва эришмайди ҳам. Аммо ядровий қаршима-қаршилик даражаси ҳақиқатан ҳам ошиб кетди. Ядровий фалокат рўй бериши хавфи кучайди ва у ерда Американинг ҳар бир янги ракетасида пайдо бўлиши билан бу хавф кўпайиб бормоқда. Қўшма Штатларнинг ўз хавфсизлиги ҳам мустаҳкамлангани йўқ, балки заифлашди. Бироқ, Вашингтондагилар ҳақиқатни гапиришни истамайдилар, гўё ўзларини алоҳида ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандек тутмоқдалар. Ядро уруши хавфи ортиб бораётганини, бу хавф ҳамма учун ортиб бораётганини тан олишга юраклари дов бермаяпти.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам шу йўлдан борилаверишига қатъиян қаршидир. Қуролланиш пойгаси, даҳшат ёқасида туриб ҳаракат қилишни кучайтириш — биз танлаб олган йўл эмас. Биз ҳарбий қаршима-қаршилик даражаси пасайтирилишига интилишнинг, бу хусусда тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципига мувофиқ бир битимга эришишлининг қатъий тарафдоримиз.

Баъзан: Американинг Ғарбий Европадаги ракеталарига эътибор бермай музокара бошлайберган яхши эмасми? деган гапни айтмоқдалар. Бир қарашда бу гап чакки эмасдек кўринади. Аммо барибир бу позицияни қабул этиб бўлмайди. Хўш, бу музокаралар нимани билдирган бўлур эди? Ҳақиқатда бу музокараларда қурол-яроғларни қисқартириш ҳақида эмас, балки НАТОни «қўшимча равишда қуроллантириш» ҳақида — Ғарбий Европанинг қайси жойларига Американинг ракеталаридан қанчасини жойлаштириш тўғрисида гап борган бўлур эди. Стратегик қуролларни қисқартириш имкониятининг йўли ҳам беркитиб қўйилган бўлур эди. Ахир, Американинг социалистик мамлакатларни нишонга олувчи олдинги базалардаги ядровий ракеталарини кўпайтириш имконияти очиб қўйилган бир шароитда, ҳеч бўлмаганда социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан— ўз қуролларини қисқартиришга рози бўлиш эҳтиётсизлик бўлур эди. Хуллас, Америка ракеталари жойлаштирилаётган шароитдаги музокаралар одамларда хавфсизлик хомхаёлларинигина вужудга келтирди, қуролланиш пойгаси тарафдорларига ҳамма имкониятни яратиб берган бўлур эди.

Бироқ, амалий музокаралар учун тегишли шарт-шароитларни яратиш йўли бор. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Европа диёрида Америка ракеталарининг пайдо бўлиши билан тинчлик учун вужудга келган бевосита хавф-хатарни тугатиш керак. Шу пайтгача америкалик сиёсатбозларнинг калласини чўлгаб келган ва АҚШнинг Женевада ўтказилган музокаралардаги таклифларида яққол намоён бўлган устунликка эришиш даъволарини улоқтириб ташлаш керак.

Совет Иттифоқига келганда, биз ўзимиз учун устунлик йўлини изламаймиз. Башарти Америка томонидан ўзаро мақбул қарорларга эришишдан ҳақиқий манфаатдорлик нишоналарини пайқасак, биз шунга мувофиқ равишда иш кўрган бўлур эдик.

Совет Иттифоқи, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар АҚШ билан НАТОнинг урушқоқлик йўлига Европадаги ва бутун дунёдаги вазиятни соғломлаштиришга қаратилган конкрет тинчлик ташаббусларининг кенг программасини қарама-қарши қўймоқдалар. Бу программа — қардош мамлакатлар коллектив кучғайратларининг самарасидир. У инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилишга олиб борадиган ўзаро мақбул ахдномаларга эришиш учун амалий негиздир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини давом эттириш тўғрисида шартнома тузиш хусусида НАТО мамлакатларига яқинда қилган мурожаатномаси шу давлатларнинг тинчликсеварлик муддаоларини кўрсатувчи яққол далилдир. Ҳозирча Ғарб сукут қилиб турибди, ҳолбуки бундай шартноманинг тузилиши жуда катта сиёсий аҳамиятга молик тадбир бўлур эди, халқаро муносабатларда яхшилик сари бурилишга кўмаклашган бўлур эди. Стокгольмда СССР ўз иттифоқчилари билан биргаликда ишончни мустаҳкамлашга, Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни таъминлашга кўмаклашадиган таклифлар билан майдонга чиқди.

Олисни кўзловчи бошқа таклифлар: Европани химиявий қуролдан халос қилиш тўғрисидаги, ҳарбий харажатларни кўпайтирмаслик ва қисқартириш ҳақидаги таклифлар ҳам НАТО мамлакатлари ҳукуматларининг столи устида турибди. Бу хусусда ҳам биз ҳамон НАТО мамлакатларидан тузукроқ жавоб эшитганимиз йўқ. Бунинг устига Вашингтон ўз иттифоқчиларидан урушга тайёргарлик кўриш учун тобора кўпроқ харажат қилинишини талаб этмоқда.

Ҳозирги халқаро вазиятда қардош мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида ҳар томонлама мустаҳкамлаш, халқаро майдонда уларнинг янада мустаҳкам баҳамжиҳат бўлиб иш кўришлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг мудофаа иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилоти тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига пухта равишда хизмат қилмоқда. Бу иттифоқ салкам ўттиз йилдан бери халқларимизнинг ва бошқа иттифоқчи мамлакатлар халқларининг тарихий ғалабаларини пишиқ-пухта ҳимоя қилиб келаётганини, дунёдаги воқеаларнинг ривожига хайрли таъсир ўтказаётганини турмуш яққол кўрсатиб турибди. Бу иттифоқни ардоқлаб асраш ва мустаҳкамлаш керак.

Сўзимнинг охирида, Сизнинг Москвага қилган визитингиз ва ўртамизда бўлиб ўтган музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч изҳор этмоқчиман.

Ўртоқ Чаушескунинг ва бошқа румин раҳбарларнинг соғлиги учун!

Қадрдош румин халқининг равнақи учун!

КПСС билан РКПнинг, СССР билан Руминия Социалистик Республикасининг тинчлик ва коммунизм йўлида олиб борилаётган курашдаги жипслиги учун! — қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсизлар.

* * *

Н. Чаушеску жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Н. ЧАУШЕСКУ нутқи

Муҳтарам ўртоқ Черненко!
Муҳтарам ўртоқ Тихонов!
Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Мен шу муносабат билан ҳам биз яхши кутиб олинганлигимиз учун, партиямиз, халқимиз шаънига ва Румин—Совет дўстлиги шаънига айтилган истаклар ҳамда берилган баҳолар учун миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчиман.

РКП Марказий Комитети, Руминия Давлат Кенгаши ва ҳукумати номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан Сизга, азиз ўртоқ Черненко, партия ва Совет давлати раҳбарлигидаги бошқа ўртоқларга, коммунистларга ва совет халқига самимий, қардошлик саломини ҳамда социалистик ва коммунистик қурилиш ишида янги-янги муваффақиятларни тилаб этиш шарафини истакларни топшириш мен учун айниқса қувончлидир.

Ҳозирги амалий визит мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларининг яна бир ифодаси бўлди. Бу муносабатлар тарихга, озодлик ва тараққиёт учун олиб борилган биргаликдаги курашга чуқур илдиз отган. Бу визит Руминия билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигига айни 50 йил тўлиши кунларига тўғри келди. Социалистик қурилиш йилларида бу муносабатлар янги мазмун касб этиб, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1970 йилги шартнома ҳамда олий даражадаги учрашувларда имзоланган қўшма баёнотлар руҳида тўла-тенглик, ўзаро ҳурмат асосида бир мунча юксакроқ даражада ривожланиб борди.

Бугунги музокаралар чоғида биз Руминия — Совет ҳамкорлигини сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда яна ҳам юқори поғонага кўтариш, мамлакатларимиз эга бўлган катта имкониятларни тобора кенг кўламда аниқлаш хусусида умумий бир хулосаларга келдик. Биз бу муносабатлар ҳамма нуқтаи-назардан қараганда янги тузумни бунёд этиш ишида ҳар томонлама ҳамкорлик қилаётган қўшни ва дўст социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг намунаси бўлиб қоладиган тарзда иш кўриш тўғрисида ахдлашиб олдик. Шу боисдан ҳам, муҳтарам ўртоқ Черненко, тўла асос билан айтиш мумкинки, бу визит ҳам эришилган ахдлашувлар дўстликни ва Румин—Совет ҳамкорлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган янги бир палла бўлиб қолади.

Бизнинг партиямиз билан халқимиз Совет Иттифоқини қудратли замонавий социалистик давлатга айлантирган совет кишилари эришган ғоят катта муваффақиятларга юксак баҳо бермоқдалар. Бу давлат жуда катта иқтисодий, техникавий ва илмий потенциалга эга бўлиб, халқаро ҳаётда алоҳида муҳим роль ўйнамоқда.

Партия раҳбарлигида мустаҳкам жипслашган румин халқи астойдил меҳнат қилмоқда, шу йилнинг катта воқеалари — фашизмга ва империализмга қарши социал ҳамда миллий озодлик революцияси ғалабасининг 40 йиллигини ва партия XIII съездини янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга азму қарор берган.

Биз социалистик қурилиш программаси муттасил бажарилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бир вақтда тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказиш учун қатъий курашмоқдамиз, чунки шундай шароитдагина халқимиз ва жаҳондаги барча халқлар ўзларининг ривожланиш ҳамда тараққиёт режаларини амалга ошира олишларига аминмиз.

Биз социалистик мамлакатлар билан ва биринчи навбатда қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни биринчи ўринга қўймоқдамиз. Биз Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама актив ҳамкорликка катта аҳамият бермоқдамиз. Руминия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳамкорликни ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилмоқда ва кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада ўтказиладиган учрашуви шу соҳадаги фаолиятни яхшилашга олиб келади, деб ҳисоблайди. Биз Европада ва бутун дунёда тинчлик, қуролсизланиш учун, кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик учун курашда Варшава Шартномасидаги социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Айни вақтда биз ривожланаётган ва қўшилмаган мамлакатлар билан, шунингдек ривожланган капиталистик давлатлар билан, социал тузумидан қатъи назар дунёдаги барча давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз, халқаро меҳнат тақсимотида актив қатнашмоқдамиз. Тўла тенг ҳуқуқлилик, миллий мустақиллик ва суверенитет, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принципларини биз бошқа давлатлар билан барча муносабатларимизга мустаҳкам асос қилиб олмоқдамиз.

Кейинги вақтларда империалистларнинг зўравонлик ва ҳукм ўтказиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсати натижасида халқаро ҳаётда мислсиз кескинлик вужудга келди. Қуролланиш, аввало ядровий қуролланиш пойгаси айниқса кучайиб кетди. Айтиш мумкинки, халқаро вазият иккинчи жаҳон уруши тугаган кундан буён ҳали ҳеч қачон шу қадар кескин бўлмаган эди. Шу боисдан ҳам биз қуролланиш пойгасини жиловлашни, қуролсизланишга ва биринчи навбатда ядровий қуролсизланишга ўтишни, бутун дунёда тинчликни таъминлашни ҳозирги кунларнинг туб масаласи деб ҳисоблаймиз.

АҚШ Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталарни жойлаштира бошлаганлиги ҳамда шундан кейин Совет Иттифоқи ўзи эълон қилган жавоб чораларига ўтганлиги натижасида Европа қитъасида вужудга келган ҳаволдан биз айниқса хавотирдамиз. Биз ўртача олисликка учириладиган ракеталар, сўнгра эса Европада ва бутун дунёда бошқа ядровий қуролларғоғлар батамом тугатилишига олиб келадиган битимга эришиш мақсадида Совет — Америка музокараларини ҳеч кечиктирмай яна бошлаш учун ҳамма ишни қилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Биз Болқон ярим ороли ядро қуролидан ҳамда чет эл ҳарбий базаларидан ҳоли бўлган тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантирилишини ёқлаб чиқмоқдамиз. Биз Европа ва бутун дунёнинг бошқа районларида ҳам шундай ядросиз зоналар вужудга келтирилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Стокгольм конференциясига катта аҳамият бермоқдамиз. Бу конференция мулоқотларни давом эттириш учун ҳамда Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, шу жумладан ядро қуроли масалаларига доир тадбирларни амалга ошириш йўллари ва воситаларини муҳокама қилиш учун муҳим бир палладир.

Айни вақтда биз Венада, қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартиришга доир музокаралар доирасида тегишли битимга эришиш учун ҳамма ишни қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд можароларга чек қўйиш ва масалаларни фақат музокаралар йўли билан ҳал этиш учун ҳамма ишни қилиш зарур эканлигини ҳаёт тобора яққол намойиш этмоқда. Руминия Яқин Шарқдаги масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан тинч бартараф этиш учун, шу районда ҳар жиҳатдан мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш мақсадида халқаро конференция чақириш учун шу руҳда қатъий ҳаракат қилмоқда. Биз Эрон билан Ироқ ўртасидаги уруш тўхтатилиши учун ҳамда мазкур мамлакатлар ўртасидаги мавжуд проблемалар музокаралар йўли билан ҳал этилиши учун ҳудди шу руҳда ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз ривожланишда қолоқликни тугатиш ва жаҳон миқёсида иқтисодий тартиб ўрнатиш масалаларига алоҳида аҳамият бермоқдамиз, барча давлатларни ва айниқса ривожланаётган давлатларни қамраб олган ҳозирги иқтисодий кризис вужудга келтирган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини қидириб топиш соҳасидаги ғайрат-ҳаракатларда актив иштирок этмоқдамиз.

Бизнинг мамлакатимиз халқларнинг миллий озодлик учун, мустақилликни курашиб қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун, эски ва янги мустамлакачиликни, ирқчиликни ва апартеид сиёсатини батамом тугатиш учун олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватламоқда.

Ҳозирги дунёнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш барча давлатлар, уларнинг катта-кичиклиги ёки социал тузумидан қатъий назар халқаро ҳаётда тўла тенг ҳуқуқлилик шароитида актив қатнашишларини талаб этади.

Биз барча масалаларни демократик асосда ҳал қилишда, тинчлик, тараққиёт ва халқлар озодлигини таъминлашда БМТнинг, бошқа халқаро ташкилотларнинг ролини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Халқаро масалалар ниҳоятда жиддий бўлишига қарамай, биз шунга қатъий аминмизки, халқлар, барча прогрессив кучлар биргаликда ҳаракат қилиб, воқеаларнинг хатарли йўлдан боришини тўхтатиб қола оладилар, ҳамкорлик, қуролсизланиш, хавфсизлик ва тинчлик сиёсати тантанасини таъминлай оладилар.

Муҳтарам ўртоқ Черненко!

Бу визит ва бўлиб ўтган музокаралар, биз эришган ахдлашувлар мамлакатларимиз билан халқларимизнинг манфаати ва бахт-саодати йўлида, бутун дунёда социализм ва тинчлик иши йўлида Руминия — Совет дўстлиги ва ҳамкорлигини яна ҳам қудратлироқ мустаҳкамлашга олиб келишига яна бир бор комил ишончимни изҳор этиб:

Ўртоқ К. У. Черненконинг соғлиғи учун,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг, шу ерда ҳозир бўлган бошқа партия ва давлат раҳбарларининг соғлиги учун!

Совет Иттифоқи халқларининг фаровонлиги ва бахт-саодати учун!

Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида, Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида, халқларимиз ўртасида дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш учун!

Шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларнинг соғлиги учун! Қадаҳ кўтаришни истайман.

* * *

К. У. Черненко ва Н. Чаушеску ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ҳамда давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Шу куни Н. Чаушеску ватанига жўнаб кетди.

Внуково аэродромида Н. Чаушескуни А. А. Громико, Г. В. Романов, К. В. Русаков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ЧЕВАР

Навбатдаги смена бошланиши олдидан уни цех мастери Муқаддас Юнусова йўқлади.

— Табриклайман, бу ойги натижаларинг ҳам шакки эмас. Яна мусобақадошингни доғда қолдириб кетибсан,— деди у шогирдини самимий қутларкан.— Бу ёғига ҳам бўш келма.

— Раҳмат Муқаддас опа, — Маҳбубанинг кўзлари қувончдан ёнди.— Сўзимнинг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қиламан.

Маҳбуба устозини кузатиб қолар экан бир пайтлар унинг кўрсатган ғамхўрликлари ёдига тушди. Бу шаддот қиз у дамларни ҳалигача ўзгача бир қувонч билан эслайди. Тикувчилар тайёрлайдиган курсни тамомлаб, бирлашмага ишга келган дастлабки кезларда Муқаддас Юнусова уни шогирдликка олган, ўз ишининг сир-асрорларини ўргатган эди.

— Ҳамма нарса кишининг ўзига боғлиқ,— деди у кунларнинг бирида Маҳбубани овутиб. — Бир гал йўл қўйилган хатони иккинчи бор такрорламаслик учун қунт билан ишлаш, изланиш керак. Ана шундагина қийинчиликларни кўрмагандай бўлиб кетасан, яхши кайфият билан ишлайсан.

Дастлаб ўз меҳнатидан қониқмай, қийналиб юрган Маҳбубага устоз маслаҳатлари далда бўлди. Цехдаги тажрибали ишчилар, ишлаб чиқариш ташаббускорлари қўллаётган илғор усулларни ўзлаштириш иштиёқи уни тинч қўймас, самарали ишлашга руҳлантирар эди. Бу боис ёш тикувчи коллективдаги пешқадамларга ёндошиб, улар сафидан жой олишга интилди. Белгиланган топшириқларни ўз вақтида уддалашга ҳаракат қилди.

Бу интилишлар зое кетмади. Маҳбуба бора-бора ўз ишини пухта уддалайдиган бўлди. Смена топшириқларини ошириб бажариш унинг учун одатга айланиб қолди. Кўп вақт ўтмай кечагина фабрика эшигидан кириб келган бу қизнинг эришган ютуқлари биргина уни эмас, балки цехдаги барча ишчиларни қувонтирадиган даражага кўтарилди. Смена-дошлари, ҳамкасабалари унинг номини фахр билан тилга оладиган бўлиб қолишди, ютуқларидан қувонишди.

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-цехнинг комсомол-ёшлар бригадаси тикувчиси Маҳбуба Азларованинг номини корхона ишчилари эндиликда ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас. Меҳнат беллашувида актив қатнашиб, юқори натижаларга эришаётган бу пешқадам тикувчи ишлаб чиқариш илғоригина эмас, актив жамоатчи ҳамдир. Ҳозирги кунда Маҳбуба цех комсомол-ёшларига бош-қош.

Сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, унумли меҳнат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб тушунган Маҳбуба қувончли натижаларга эришмоқда. Айниқса, унинг ўтган йилги ютуқлари самарали бўлди. Йиллик планни ортиғи билан адо этиб, планга қўшимча 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу туфайли у областимиздаги бир группа ишлаб чиқариш илғорлари қатори Йўлдош Охунбобоев номидаги область мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлди. Бундан руҳланган илғор тикувчи айни кунларда ҳам иш суръатини бўшаштирмай бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишламоқда.

— Меҳнат инсонни улуғлайди, унга сўнмас куч-қудрат, ғайрат-шижоат бахш этади,— дейди биз билан суҳбатда бригада етакчиси Фотима Яҳёева.— Маҳбуба ҳам ўз бахтини меҳнатдан топган, унинг олам-олам қувончларидан бахраманд бўлиб келаётган толеи баланд чеварларимиздан. У ўзининг меҳрибонлиги, меҳнатсеварлиги туфайли ҳамкасблари қалбига йўл топа билади. Шу маҳалгача ҳеч кимдан бирон-бир маслаҳатини ҳам, ёрдамини ҳам аямаган. Бригадамиздаги кўпчилик чеварлар Маҳбубадан тикувчилик касбини янада чуқурроқ ўрганишга интиладилар.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили ҳамма қатори бригадамиз комсомол-ёшлари ҳаётида ҳам ўчмас из қолдириши учун дастлабки қунларданоқ зарб-дорларча ишлашга, кўп ва сифатли маҳсулотлар тайёрлашга бел боғлаганмиз. Шунга мувофиқ коллективимиздаги ҳар бир тикувчи фидокорона ишламоқда. Натижаси чакки бўлмаяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида кўпчилик тикувчиларимизнинг кунлик ўртача иш кўрсаткичлари 130 процентдан ошиқроқ бўлди. Маҳбубанинг иши бундан ҳам бараварқали бўлмоқда. У нормани 1,5 баравардан бажариб, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини ҳам таъминламоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамлик қилаётган илғор тикувчи Маҳбуба Азларованинг бу йилги режалари янада улкан. У йиллик шахсий нормасини шу улуғ айёмга қадар адо этиб, байрамга муносиб тўёна ҳозирлашга қатъий бел боғлаган. Маҳбуба, албатта, сўзининг устидан чиқади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

● В. И. ЛЕНИН номидаги Ўзбекистон металлургия заводида янги «300»-стан қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Бу муҳим объектни бунёд этишда кўпгина бригадалар топшириқни ортиғи билан адо этишяпти. Тажрибали монтажчи В. Ермаков бошчилигидаги коллектив ҳам доим илғорлар сафида бормоқда. Суратда: В. Ермаков (чапдан) бригада аъзоларидан В. Багитов, А. Асташов, И. Эргашев, Г. Смехнов ва М. Ахтариевлар навбатда қилинадиган ишлар ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Р. Нуриддинов фотоси. (ЎзТАГ).

«РУС ТИЛИ ОПАМИЗ»

Виолетта Максимовна Книш Оржоникидзе районидаги В. И. Ленин номли 37 ўрта мактабда ўттиз йилдан буён рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. У ҳалол ва самарали меҳнати билан педагоглар ҳамда ўқувчилар орасида обрў-эътибор қозонди.

Унинг машғулотларни қизиқарли, мазмунли ташкил этишида диафильмлардан, кўргазмали қуроллар, расмлар, махсус карточкалардан унумли фойдаланаётгани қўл келмоқда. Дарснинг техник воситалар билан бойитилиши ўқувчилар оғзаки нутқини ривожлантириш, грамматик қоидаларни пухта ўзлаштиришга ёрдам бераётган бўлса, «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!», «Рус тили — дўст тили», «Қушлар бизнинг дўстимиз», «Табиатни муҳофаза қиламиз» мавзуларида рус тилида ўтказилган конкурслар ва кечалар ўқувчилар олган назарий билимларни амалда мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётир.

Виолетта Максимовна ҳарбий хизматга чақириладиган, рус тилини бўш биладиган талабалар учун махсус тўгарак ҳам ташкил этди. Бу тўгаракнинг актив ишлашида унга педагоглардан Т. Шуман, М. Норхўжаева ўртоқлар яқиндан кўмаклашишяпти.

В. Книшнинг кўп йиллар давомидаги меҳнати зое кетмаяпти. Мактабда болалар рус тилини севиб ўрганишларидан ташқари, уларнинг айримлари бу фан бўйича ўқитувчи бўлиш орзуси билан яшамоқдалар. Ундан таълим олган Раъно Жалилова, Хайриниса Қорабоевалар ҳозир рус тили ва адабиёти институтини битириб келиб, райондаги мактабларда рус тилидан дарс беришмоқда. Ўқувчилар уни чин юракдан ҳурмат қилиб, «рус тили опамиз» деб аташади.

Виолетта Максимовна ёш авлодни тарбиялашдаги катта хизматлари учун медаллар ва район ҳалқ маорифи томонидан бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Шу кеча кундузда В. М. Книш пенсия ёшида бўлишига қарамай ҳамон ишини давом эттираётир.

З. УБАЙДУЛЛАЕВ,
ишчи-қишлоқ мухбирлари университети тингловчиси.

ШИЙПОНДА БАЙРАМ

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг III, II даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери Николай Ким бошлиқ бригадаси сўнгги ўн кунликда сабзавот экинлари парваришида энг юқори натижаларни кўрсатиб, совхоз кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Дала шийпонида байроқни топширишга бағишланган йиғилиш тантанага айланиб кетди. Чунки, тушлик пайтида бу ерга район партия комитетининг агитпоезди ҳам етиб келган эди. Агитпоезд составида маданият ходимлари, савдо, маиший ва медицина хизмати бригадалари бор эди.

Совхоз партия комитетининг секретари М. Нурматов байроқни илғор бригадага топширар экан, уларни ўтган йилги меҳнат ютуқларини янада мустаҳкамлашга чақирди. Сўнг ишчиларга агитбригада составида келган район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Б. Йўлдошев халқаро аҳвол ҳақида қизиқарли лекция ўқиб берди.

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

РУС ШОИРИ А. С. ПУШКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 185 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Рус шоири А. С. Пушкин туғилган куннинг 185 йиллиги муносабати билан 1984 йил 6 июнда қиймати 1 сўм бўлган эсдалик тангаси муомалага чиқарилади.

Қиймати 1 сўм бўлган эсдалик тангаси оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Тангани ўнг ва тескари томонларида айлана бўйлаб ҳошия чиқарилган.

Тангани ўнг томонида СССР Давлат герби жойлаштирилган бўлиб, «СССР», «1 рубль» ва «1984» деган ёзувлар бор.

Тангани орқа томонига А. С. Пушкиннинг қабартма тасвири туширилган ва унинг ўнг томонида «1799» ва «1837» саналари, қуйи қисмида эса «А. С. Пушкин» деб ёзилган.

Тангани қиррасига «Один рубль» сўзлари икки жойга чуқур қилиб ёзилган бўлиб, улар бир-биридан икки нуқта билан ажратиб қўйилган.

Рус шоири А. С. Пушкин туғилган куннинг 185 йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган эсдалик тангасини ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахсларнинг ҳамма турдаги тўловлари учун, шунингдек банклар, омонат кассалари ва алоқа министрлиги корхоналарининг жорий, ҳисоб-китоб счётларига, омонатларга, аккредитивларга қабул қилиб олиш ва пул ўтказиш учун ҳеч қандай чекланмаган миқдорда қабул қилиб олишлари шарт.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 4 (24)

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

ЎРГАНИНГ, ҚЎЛЛАНИНГ

Бу йил областимиз паррандабоқарлари 322 миллион дона тухум ва кўплаб миқдорда парҳез гўшт етиштириш учун курашмоқдалар. Улар бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши учун мавжуд резервлар, имкониятлардан тўла фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бу соҳада Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида катта ишлар қилинмоқда. [Бугунги саҳифада уларнинг тажрибаси ҳикоя қилинади]. Бирлашмада мутахассисларнинг масъулияти оширилганлиги, зооветеринария тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилинаётганлиги, янгиликлар, илғор усуллар ишлаб чиқаришга дадил жорий этилаётганлиги туфайли маҳсулот етиштиришнинг салмоғи ортиб, сифати яхшиланмоқда. Корхона белгиланган план ва мажбуриятларни ўз вақтида уддалашга муваффақ бўлмоқда.

Афсуски, ҳамма паррандачилик фабрикалари ва комплексларида ҳам ишлар ана шундай яхши йўлга қўйилган деб айта олмаймиз. Биринчи квартал якунлари, текширишлар шуни кўрсатадики, баъзи бир паррандачилик комплексларида ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланилмаяпти, мавжуд имкониятлар бой берилмоқда. Шунинг учун ҳам тухум олиш ва гўшт етиштиришни кўпайтиришда сезиларли силжишлар рўй бермаяпти.

Бу йилги юбилей йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан, паррандачилик соҳасида ҳам зиммага олинган юксак мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун кураш ғоят муҳим ва шарафли вазифадир. Бунга эришмоқ учун ҳар бир корхонада, коллективда ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, тухум, парранда гўшти етиштиришни кескин кўпайтиришга қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш лозим. Эришилган натижаларни қиёсий таҳлил этиб, мусобақа ғолибларини рағбатлантириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, паррандачилик фабрикаларида сув, электр таъминоти ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш талаб этилади.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

МАРРАМИЗ 110 МИЛЛИОН

Шуни очиқ айтиш керакки, бирлашма ташкил этилган дастлабки йилларда паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда йўл қўйилган камчиликлар туфайли эришилган натижалар бирмунча қониқарсиз бўлди. Бироқ 1983 йил ҳамда 1984 йилнинг ўтган беш ойи якунларига кўра коллективимиз республикада илғорлар сафига чиқиб олди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган учинчи йили бошланишида бирлашмада 900 минг бош парранда бор бўлиб, шундан 500 минг боши она товуқлар эди. Ўша пайтларда улардан кунига 245 минг донадан тухум олинганди. Паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларни тўла сақлаб қолган ҳолда маҳсулдорлигини ошириш юзасидан кўрилган кескин тадбирлар туфайли ўтган йилнинг май ойига келиб ҳар кунги тухум олишни 295 мингтадан ҳам оширишга эришдик. Умуман 1983 йил охирида паррандалар бош сони 1 миллион 200 мингтага етди. Шундан 550 минг бошни она товуқлар ташкил этди. Бирлашмада ана шу даврда 1982 йилга нисбатан 5200 минг дона кўп тухум, 150 тонна кўп гўшт етиштирилди. 1982 йилда 900 минг сўм соф фойда олинган бўлса, 1983 йилда кўрилган соф даромад 2 миллион 100 минг сўмга етди.

Коллектив аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётганликлари, ички резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланилаётгани ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Е. Рибина бошлиқ паррандачилик бўлими олимларининг бизга кўрсатаётган амалий ёрдамидан бениҳоя хурсандмиз. Булардан ташқари бирлашмамиз мутахассислари «Узптицепром» бирлашмаси йўлланмаси билан Загорскийдаги Бутуниттифоқ паррандачилик илмий-текшириш ва ишлаб чиқариш институтида ўқишда бўлишди. Мутахассисларимиз Белоруссиядаги илғор паррандачилик фабрикалари коллективларининг тажрибасини ўрганиб қайтдилар.

Биз маҳсулот таннархини арзонлаштиришга катта эътибор бермоқдамиз. Бизда асосий ҳаражатнинг 70—80 процентини ем ташкил этади. Шунинг учун ишчи-хизматчиларимиз бутун эътиборни озуқани тежаб-тергаб сарфлашга қаратишмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 450 тонна озуқа бирлиги тежаб қолинди. 1982 йилда минг дона тухумнинг таннархи 80 сўмга тушган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 77 сўмни ташкил этди.

Йил бошида 550 минг бош она товуқдан кунига 300 минг донага яқин тухум олинган бўлса, шу кеча-кундузда 570 минг бош товуқдан ҳар куни 350—355 мингтага етказиб тухум тайёрланмоқда. Бирлашмадаги паррандаларнинг умумий бош сони эса 1 миллион 300 мингтага етди. Июнь ойи ўрталарига бориб, кунлик тухум етиштиришни 360 мингтага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Бирлашмамиз коллективи биринчи квартал якуни бўйича республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Март, апрель ойларида эса биз район кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдик. Паррандабоқар-операторлардан Валентина Сорокина, Амалия Моргел, жўжабоқар-операторлардан Татьяна Канайкина, слесарь-операторлардан Шамсиддин Аҳроров, Комил Икромов сингари ўртоқлар бундай муваффақиятларга ўзларининг салмоқли улушларини қўшишмоқда. Шу сингари фидоийларнинг ғайрати туфайли ҳозиргача зиммага олинган социалистик мажбуриятдаги 105 миллион дона тухумнинг 46 миллионтаси, 1260 тонна гўштнинг 510 тоннаси тайёрлаб қўйилди. Ярим йиллик план беш ойда бажарилди. Тухум олиш беш ойлик планга нисбатан 5 миллион дона, ўтган йилнинг шу даврига қараганда эса 5,5 миллион дона кўп бўлди. Беш ойлик планга кўра 80 тонна ортиқ гўшт тайёрланди. Коллектив аъзолари ўз имкониятларини чамалаб, жами тухум етиштиришни 110 миллион донага етказишга аҳд қилишди.

Шунингдек, коллективимизда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент камайтириш ҳисобига 76 минг сўм соф фойда олинади. Жами соф даромад миқдори 3 миллион сўмга етказилади.

Т. ОРТИҚОВ,
Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

2-бет.

МУТАХАССИСЛАР МИНБАРИ

ТЎЙИМЛИ, СЕРВИТАМИН

Озуқаларнинг тўйимли ва витаминли моддаларга бой бўлишини таъминлаш ҳам паррандалар маҳсулдорлигини оширишнинг ғоят муҳим омилларидандир. Бирлашмамизга келтириладиган озуқаларнинг аввало лабораторияда таркиби текширилади. Сўнгра мутахассисларнинг тавсияси асосида бу озуқалар зарур миқдордаги витамин ва тузлар билан бойитилади.

Шундай қилиб келтирилган тайёр озуқалар таркибидаги протеин миқдори 17—18 процентга етказилмоқда. Бу озуқаларга турли касалликларга қарши препаратлар ҳам қўшилади.

Бойитилган озуқаларнинг таркибий қисми турлича бўлади. Бунда биз паррандаларнинг ёши, маҳсулдорлиги ва бошқа жиҳатларини ҳисобга оламиз. Бунинг учун аниқ технология ва график ишлаб чиқилган.

Лабораторияда паррандалар учун рационлар тузишда, албатта, илмий жиҳатдан асосланган қоида ва хулосаларга қатъий риоя қилинади. Бунда паррандаларнинг озуқаларга муносабати, улардаги энергия алмашинуви, маҳсулдорлигининг ошиши ҳисобга олинади. Айни кунларда маҳсулдорлиги ва ёшига қараб ҳар бир паррандага кунига 100 граммдан 125 граммгача бойитилган озуқа бирлиги берилмоқда.

Паррандалар наслини яхшилаб бориш ҳам асосий диққат марказимизда турибди. «Ленинград» парранда наслчилиги репродукторида бу соҳада катта ишлар бажарилянти. Бу ерда Эстониядан келтирилган «Оқ леггорн» зотли товуқ тухумлари очирилмоқда. Шу йўл билан йил сайин маҳсулдор товуқлар сонини орттириб боряпмиз. Ҳозир репродукторимизда 45—50 минг бош ана шундай маҳсулдор паррандалар боқилиб, улардан олинаётган тухумлар инкубаторияларга қўйилмоқда.

К. ВАСИЛЬЕВ,
зоотехник.

ПРОФИЛАКТИКА ТУХУМДАН БОШЛАНАДИ

Бирлашмамизда парранда касалликларининг олдини олиш, мақсадида профилактик тадбирлар ўтказиш ишлари билан кўплаб ветеринария врачлари, мутахассислар шуғулланишади. Махсус зооветеринария лабораториямиз бор ва у замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Лабораторияда вақти-вақти билан паррандалар қони, уларга берилаётган озуқа таркиби ўрганилади, шунингдек, инкубацияга қўйилаётган тухумларни ҳам текширамиз. Витаминлар, каратин моддалари миқдори белгиланади. Агарда тухумлар очириш учун нобоп деб топилса, дарҳол алмаштирилади. Чунки, тухум қанчалик сервитамин, ҳар жиҳатдан бекаму-кўст бўлса, ундан олинадиган жўжа ҳам шунчалик бақувватлар бўлади.

Паррандаларда учраб турадиган баъзи касалликларнинг олдини олиш учун ҳам ишни тухумдан, уни ёриб чиққан жўжани текширишдан бошлаймиз. Биринчидан, инкубацияга қўйиладиган тухумлар аввал формалдигид буғи билан учтўрт марта бўғланади. Жўжалар инкубациядан чиққандан сўнг бир кунлигидаёқ жинсига қараб ажратилиб, марик касаллигига қарши вакцина дориси билан эмланади.

Бирлашмамизда цехларни парранда боқиш учун тайёрлаш ишлари билан махсус комплекс бригадалар шуғулланади. Ҳар бир паррандахонага «АГУТ-2» агрегати ёрдамида 100—110 килограммдан формалин аэрозол ҳолатида пуркалади. Эшик ва деразалари герматик тарзда 3—5 кеча-кундуз беркитиб қўйилади. Бу тадбир туфайли кўплаб кўзга кўринмас микроблар йўқ қилинади. Сўнг махсус комиссия бу хоналарни кўздан кечириб, қабул қилади.

Дорилар пуркалган хоналар очилиб, яхшилаб шамоллатилгандан сўнг инкубациядан чиққан жўжалар қўйилади. Уларга ўн кунлик бўлгунча сув билан глюкоза эритмаси, турли антибиотиклар ва бошқа дорилар бериб борилади. Паррандалар 10—20—45 кунлик бўлганда вафо касаллигига қарши аэрозол билан, 60 кунлик бўлганда эса ваксина билан эмланади. Бу тадбирлар жониворлар 110—120 кунлик бўлганда яна такрорланади. Врачларимиз ҳамма вақт уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, паррандаларнинг касалга чалинмаслигида амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Т. ТОРБИНА,
ветеринария врачи.

ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ ЎРТОҚЛАШАМИЗ

БИР КУНДА БЕШ МАРТА

Ҳозир қарамоғимда 32 минг бош товуқ бор. Улардан кунига 29 мингта тухум олаяпман. Умуман, бу йил жами 7,1 миллион дона тухум, етиштираман.

Бундай натижага эришишда ўзим учун қатъий кун тартиби белгилаб олганлигим ва унга риоя қилаётганим қўл келаяпти. Ишни эрталаб соат саккизда ҳар бир хонани кўздан кечиришдан бошлайман. Бунда асосий эътиборни ҳароратнинг нормаллиги, паррандалар орасида айрим (бундай ҳол ҳозир кам учраяпти) касалга чалиниб ёки бошқа сабабга кўра беҳолланиб қолганларини ажратиб олишга қараманман. Шундан сўнг паррандаларни озиқлантириб, ҳар бир катакка озуқа, сув нормал келаяптими, йўқми кўздан кечираман. Кун бўйи паррандахоналар ҳавосини махсус қурилмалар ёрдамида тез-тез янгилаб тураман.

Паррандаларни озиқлантиришда ўзгача тадбир қўллаётганим ҳам яхши самара кўрсатяпти. Илгарилари кунлик нормадаги озуқа товуқларга икки марта берилар эди. Мен бу озуқани бешга бўлиб, беш маротаба тарқатаяпман. Шунда катакладаги товуқлар кўпроқ ҳаракат қилади, овқат яхши ҳазм бўлиб, маҳсулдорлиги ортади.

Эрталабки озиқлантиришни тугатгандан сўнг тухумларни териб олиш билан шуғулланаман. Айрим синганларини ифлослантирмасдан махсус идишларга жойлаб, тухум порошоги тайёрланадиган цехга топшираман.

Иш вақтим кеч соат олтида тугайди.

Ўзингизга маълумки, иш вақти тугагандан сўнг паррандалар келгуси кунгача операторлар назоратида бўлишмайди. Бу вақтда автоматлаштирилган ёруғлик берувчи, конденционер ва вентиляция системалари бенуқсон ишлаб туриши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар куни уйга қайтишдан аввал оператор-слесарларимиз ҳамкорлигида ана шу аппаратларни яна бир бор кўздан кечириб, нормал ҳолатга келтириб қўямиз.

С. САЙДАЛИЕВА,
паррандабоқар-оператор, СССР Давлат мукофоти лауреати.



● СУРАТДА: Жумагул Содиқова бирлашманинг илғор паррандабоқарларидан ҳисобланади. У кунлик нормасини ортиғи билан бажаришга эришиб келмоқда.

Ш. Галимов фотолари.

3-бет.

● ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ўртасида маданий-оқартув ишларини яхши йўлга қўйиш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларида кутубхона ходимларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Суратда: кутубхоначи Е. Гладишева (ўртада) янги китоблар ҳақида баҳс ўтказаяпти.

ИХТИРОЛАР, ЯНГИЛИКЛАР.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

● ЁЗ ПАЙТИДА тухум олиш кўпаяди, омборлар, савдо шоҳобчаларида йиғилиб қолади. Уни сақлаш анча ташвиш туғдиради. Бирлашма мутахассислари ана шу муаммони ҳал қилишга жазм этдилар. Улар олимлар тавсияси асосида иш юритиб, АГ—ФМУ агрегатида ёз палласида йиғилиб қолган тухумлардан ун тайёрлашга киришдилар. Ҳозир бирлашмада ҳар куни 200 килограммгача тухум уни ишлаб чиқарляпти.

ЖЎЖАЛАР ТЎЛА САҚЛАНМОҚДА

● ЖЎЖА ўстириладиган тўртта цехдаги сим тўрлар устига қоғоз тўшалиб, бир ойликкача бўлган жониворлар парваришланарди. Бунда, албатта, жўжаларнинг чиқити қоғоз устига тушиб, уларнинг оёқ ости ифлосланарди. Бундан ташқари, аввал жўжахоналарга бетон ётқизилгани туфайли ердан зах чиқар, хона иситилса ҳам пастдан келаётган совуқ жўжаларни касал қиларди.

Бирлашма рационализаторларидан К. Васильев ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида қоғозларни полиэтилендан ясалган тўрлар билан алмаштиришни таклиф қилди. Натижада жўжаларнинг чиқити пастга тушиб, оёқ ости қуруқ сақланадиган бўлди. Шунингдек, парранда каталари паст тарафдан ҳам иситиладиган бўлди. Ана шу тадбирларни амалга ошириш туфайли жўжаларнинг оёғидан шамоллаши камайиб, уларнинг сақланиб қолиши беш процент ортди. Ҳар йили 20 тонна қоғоз иқтисод қилинадиган бўлинди.

ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

● ОХУРЛАРГА солинган озуқанинг бир қисми паррандалар томонидан топталиб, ерга кўп тўкилар, исроф бўларди. Яқинда рационализаторлардан К. Мандалака таклифига асосан ишланган махсус мосламалар охурлар остига ўрнатилди. Энди тўкилаётган ем ва дон-дунлар ана шу мосламаларга тушади, сўнг осонгина йиғиштириб олинади ва охурларга қайта солинади. Бунинг натижасида тежамкорлик 20 процентга ортди.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ

УЛАРНИНГ ШАРАФИГА

КАСАБА союз ташкилотимиз бирлашма маъмурияти, партия ва комсомол комитетлари билан ҳамкорликда иш юритиб, паррандабоқарларнинг унумли меҳнат қилишлари, бўш пайтларини мароқли ўтказишларига етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, коллективда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Цехлар ва паррандабоқарлар ўртасида ўтказилаётган мусобақага ҳар ойда якун ясалади. Мусобақада ғолибларини пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаймиз. Уларнинг шарафига шон-шуҳрат байроғи кўтарилади. Булардан ташқари ҳар йили мусобақа илғорлари ва ишлаб чиқариш пешқадамларига мамлакатимизнинг турли шаҳарлри бўйлб туристик йўлланмалар ҳам бериб борилади. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 18 киши Ленинград, Одесса ва Иттифоқимизнинг бошқа хушманзара жойларида саёҳатда бўлдилар.

Шу йилнинг ўзида ветеранларимиздан 30 дан зиёди санаторий ва дам олиш уйларида бўлиб қайтишди.

Бирлашма қошида ошхона ишлаб турибди. Шу йилнинг бошида бичиш-тикиш устахонаси ҳам фойдаланшга топширилди. Паррандабоқарлар учун гўшт ва тухум сотадиган махсус магазин ҳам очганмиз. Буларнинг ҳаммаси коллективимиз аъзоларининг меҳнат унумдорлигини оширишда, бўш пайтларини кўнгилли ўтказишларига ёрдам бераяпти.

В. УГРЮМОВА,
бирлашма касаба союз комитетининг аъзоси.

ЕР ҚАДРИ

МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Хўжалигимизда асосан мавжуд 563 гектар ерда паррандалар учун озуқа экинлари етиштирилади.

Ер майдонимизнинг кўпчилик қисми сув чиқиши қийин бўлган қирликлардан иборат. Шундай бўлсада, бу йил 230 гектар майдондаги эски беданинг ҳар гектаридан 450 центнердан кўк масса олишни, 263 гектар ердаги оралиқ экинлари ҳосилдорлигини эса 180 центнерданга етказишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, 50 гектар жойга экилган маккажўхоридан 70 центнердан «маҳрабо дон» олинади. Бу марраларни эгаллаш учун қўшимча тадбирлар кўрилди. Ҳар бири секундига 50 литрдан сув чиқариш қувватига эга бўлган иккита насос қурилмаси «Искандар» канали ва оқова сувлари зовурига ўрнатилди. Айни кунларда бешта озуқа етиштирувчи бригадаларда беда ўрими қизғин тус олган.

Маълумки, паррандалар маҳсулдорлигини оширишда витаминли ўт унинг аҳамияти каттадир. Бу йил 1400 тонна ана шундай озуқа тайёрланади.

Хўжалигимизда ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Озуқа экинлари етиштирувчи 6-бригадамизга қарашли 80 гектарга яқин майдонда асосан табиий намлик ҳисобига маҳсулот олинаяпти. Бу ерларни ҳам сув билан таъминлаш чоралари кўрилса, умумий ишимиз учун катта фойда бўларди.

В. АБЛАЕВ,
«Химик» совхози агрономи.

4-бет.

КЎРИНИШДИ-Ю, ҒОЙИБ БЎЛИШДИ

ИЛЬИЧ номидаги паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларини айланиб, ишларни кўздан кечирар эканман, бу ерда меҳнат қилаётган марди-майдон йигитлар, илдам ҳаракат билан ишлаётган оқила қиз-жувонларга тасаннолар айтгим келди. Паррандалар бош сонини кўпайтириш, улардан кунданкунга мўл-кўл маҳсулот олиб, юртимиз бойлигига бойлик қўшиш — уларнинг эзгу истаклари эканлигининг гувоҳи бўлдим. Улар шу мақсадда барча имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишяпти. Лекин ишчи-хизматчилар билан қилинган суҳбатлар, у ердаги бир қанча ашёвий далиллар коллектив аъзоларини кўп жиҳатдан қийнаб келаётган масалалар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатиб турипти. Бу муаммолар умум ишининг олдинга қараб кетишига сезиларли даражада тўсиқ бўлмоқда.

Гап шундаки, паррандахоналарда барча ишлар техника зиммасига юкланган. 70 дан ортиқ ишлаб чиқариш объектида 800 дан зиёд турли автоматлаштирилган технологик қурилмалар, мослама ва агрегатлар мавжуд. Бу ускуналар Германия Демократик Республикаси, Венгриядан келтирилган. Ватанимиз саноат корхоналарида тайёрланган машина-механизмлар ҳам анча. Паррандахоналарда барча жараёнларнинг бир меъёрда узлуксиз давом этиши учун бу техника воситаларининг ўз вақтида, автоматик тарзда ишлаб туришини таъминлаш лозим. Бунинг учун 120 га яқин слесарь-оператор, электрик, мутахассислар банд. Барча ремонт ишларини тезда, бекаму-кўст бажаришга, ишлаб турган қурилма ва агрегатларни назорат қилиб бориш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бироқ, айрим нуқсонлар борки, уларни бартараф этиш қийин бўлмоқда. Ҳатто пластмассадан ишланган озуқа сифати талабга жавоб бермаяпти. Бу ҳақда мутасаддилар ўртоқлар жиддийроқ ўйлаб кўришса бўларди.

...Товуқхоналарнинг ички қисмини айланиб бўлгач, ташқарига чиқдим. Қай кўз билан кўрайки, юқори тарафда вайронага ўхшаб ётган бинога кўзим тушди. Бироз юрилгач яна турли механизмларнинг айқаш-уйқаш бўлиб ётганини кўрдим. Товба, дея ёқа ушлайман!

— Отахон, таажжубланманг, дейишди менинг асабланганимни сезган ҳамроҳларим.— Бу ваъдабоз қурувчиларнинг ўлда-жўлда ташлаб қўйган ишлари. Уларнинг қачон келиб, ишни қачон ниҳоясига етказишлари ҳеч кимга маълум эмас. Анави ўнқир-чўнқирлардан зўрға ўтаётган тракторларни кўринг-а, қийналишяпти, гўнг ён-атрофга тўкилиб-сочилиб қоляпти! Кунига 300 тоннага яқин гўнг шу йўлдан ташилади.

Ким экан бу бепарво қурувчилар?

Суриштирсам, бу пала-партишлик, тартибсизликларнинг бош айбдорлари республика қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23-қурилиш трестининг 8-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли 9-қурилиш бошқармаси раҳбарлари экан. Масалан, бирлашманинг бош пудратчиси бўлган 8-механизациялашган кўчма колонна коллективи бир неча йиллардан буён минг тонна озуқа сақлашга мўлжалланган омборхона, водопровод линияси, йўл ва 200 ўринли клуб қурилиши каби ишларни пайсалга солиб келаётгани маълум бўлди. Шунингдек, «Ленинград» парранда наслчилиги репродукторида ҳам 6 та жўжахона, 4 та товуқхонани реконструкция қилиш ишлари ўлда-жўлда ётипти. У ерда ҳам қурувчилар бажариши лозим бўлган ободонлаштириш ишлари — сув келтириш, электр энергияси билан таъминлаш каби юмушлар бажарилмаяпти.

9-қурилиш бошқармаси ишчиларининг «тортинчоқ»ликлари жуда қимматга тушмоқда. Улар март ойида бир кўринишди-ю, шу бўйи ғойиб бўлишди. Ўшанда улар ремонт қиламиз, деб учта товуқхонадаги ускуналарни, механизм ва мосламаларни ташқарига чиқариб ташлаган эдилар. Эҳ, аттанг, бу механизмлар ёмғир, тупроқда чанг босиб, занглаб, айрим қисмлари чириб ётипти. Қурувчилар, эса йил бошида ремонт-қурилиш ишлари учун ажратилган 400 минг сўмдик маблағнинг шу вақтгача бир сўмини ҳам ўзлаштиришмабди.

Корхона раҳбарлари уларга ишни битириб беринглар, деб бир неча бор ялинишди — ёлборишди, лекин қурувчилардан ҳамон дарак йўқ. Сезишимга қараганда ҳали-бери улар ишга қўл урадиганга ўхшамайдилар. Биласизми, у ҳолда корхонага қанча зиён етиши мумкин. Менга ҳисоблаб беришди: шу чала ишлар битказилганда эди, йил охиригача бирлашма бўйича қўшимча 3 миллион дона тухум, 50—60 тонна гўшт етиштирилларди. Ўзи хон, қўланкаси майдон қурувчиларнинг айби билан бу имконият бой бериладиганга ўхшаб турипти. Биз эса бундай бўлмаслигини жуда-жуда истардик...

«Чўпон ота» таассуротларини оққа кўчирувчи: Қ. КАРИМОВ.

● ЎЗИНГ учун ўл етим, деганлар, уларга ишонсак омборхонамиз бу йил ҳам битмайди. Қани, жўжахўрозлар, ёппасига ҳашарга!

С. Гиленко чизган расм.

Жамоатчи редколлегия: Ш. А. АҚМАЛХОНОВ (редактор), И. В. АЖИНОВ, А. Е. БАКИРОВ, Т. Г. ГОТИН, Б. В. ЖЕРДЕВ, М. ИСОҚОВА, Н. РИХСИЕВ (масъул секретарь), В. ШАБАЛИН.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

АСАЛАРИЧИЛИК: ЯНГИ ПАВИЛЬОН

АСАЛАРИДАН шифобахш асал билан бир қаторда она ари сути, прополлис, гул чанги каби маҳсулотлар ҳам олинадики, улар доришуносликда ўз баҳосини топган. Кимёвий жиҳатдан энг зарур моддалардан ҳисобланган асалари мўйи саноатда кенг ишлатилади. Шунингдек, қанотли бол тўпловчилар қишлоқ хўжалик экинларини чанглантириб, ҳар томонлама фойда келтиради. Асалари мавжуд бўлган пахта далаларида ҳосилдорликнинг 10 процентга ошиши тажрибада тасдиқланган. Ана шу боисдан ҳам республикамизда асаларичиликни янада ривожлантиришга, олинаётган асал маҳсулотларига талаб йил сайин кучайиб бормоқда. Баски шундай экан, ҳозирги шароитда асалари оилалари ҳамда уларга қаровчи ишчи кучини сон жиҳатдан кўпайтирмай туриб, маҳсулот миқдорини ошириш мумкинми?

Бу муаммони ВАСХНИЛга қарашли чорвачилик илмий-текшириш институти ходимлари А. Ражабов ва Н. Крахоткинлар ижобий ҳал этдилар. Мана, ўн йилдирки, улар яратган катталаштирилган янги МПП-40 мосламаси институтнинг «Красний водопад» тажриба базасида синовдан ўтказилмоқда. Олимлар ихтироси бўйича асалари уялари ғилдирак устига ўрнатилди. Ҳарорат юқори бўлган кезларда оддий асалари уяларининг ҳар биридан 2—5 килограммдан, янги павильонда боқилаётган ҳар бир асалари оиласидан эса 30 килограммдан асал йиғиштириб олиняпти.

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг «Агросаноат комплекси» павильонида намойиш этилаётган экспонатлар орқали янги мосламанинг афзалликлари билан батафсил танишиш мумкин. Агар йил давомида оддий асалари қутилари тўрт марта жойдан-жойга кўчирилса, ҳар қандай қулай шароитда ҳам битта асалари оиласи 25 килограммдан ортиқ асал бермайди. Бундан ташқари, маълум муддат ўтгач, қайта-қайта юклаб-тушириш натижасида қутилар яроқсиз ҳолга келиб қолади. Ўз ўрнида юкловчиларга ҳам махсус имтиёзлар бўйича ошириладиган миқдорда ҳақ тўланиши лозим.

2-ПТС—4—793 маркали трактор прицепини такомиллаштириш туфайли яратилган янги, катталаштирилган асалари павильони оддийгина. Унда 40 қути жойлаштирилган бўлиб, кўчиришга тайёргарлик ишлари атиги беш минут ичида ниҳоясига етказилади. Бунинг учун махсус ричагни тортиш кифоя қилади. Қутиларни худди шу тарика яна аввалгидай, бир-бирига халақит бермайдиган қилиб жойлаштириш мумкин. Илгари шунча миқдордаги қутиларни кўчириш учун олти киши ишлаши зарур бўлган бўлса, эндиликда битта тракторнинг ўзиёқ бу ишнинг уддасидан чиқа олади. Прицепнинг қутилар билан биргаликдаги оғирлиги 2700 килограмм, нархи эса 2 минг сўмга етар-етмас.

Катталаштирилган янги кўчма асалари павильонининг биттасини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида хўжалик йилига 1400 сўмлик иқтисодий самара кўради.

Қ. ЭРДОНОВ.

Жаҳон янгиликлари

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА, 4 июнь. (ТАСС). Лодзда ПБИП Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг «Польшада социализм қурилишида ишчилар синфининг етакчи ролини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги докладини, шунингдек ПХР Министрлар Советининг «Хўжалик топшириқларини бажаришда завод коллективларининг роли ҳақида»ги докладини муҳокама қилди. Тегишли ҳужжатлар тасдиқланди.

ПБИП Марказий Комитетининг Пленуми 17 июнда маҳаллий ҳокимият органлари — халқ кенгашларига сайлов ўтказилиши муносабати билан сайловчиларга мурожаатнома қабул қилди. Мурожаатномада сайловда қатнашиш тўғрисида, мамлакатни бундан буён ҳам муваффақиятли ривожлантириш, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида ўз гражданлик ва ватанпарварлик бурчини бажариш ҳақида ишчилар синфига, қишлоқ меҳнатчиларига ва зиёлиларга даъват баён қилинган.

Пленум ишида партия Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари билан бир қаторда республикадаги энг катта саноат корхоналарининг ишчиларидан 800 киши қатнашди.

Пленумда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ярузельский якунловчи нутқ сўзлади.

МОНГОЛИЯ КИЧКИНТОЙЛАРИ УЧУН

УЛАН-БАТОР. МХР болалар фондининг маблағлари ҳисобига Чойбалсан шаҳрида қурилган янги болалар комбинати шарқий аймоқ аҳолисига мазкур бўлмоқда. Бу ерда тажрибали педагоглар ва медицина ходимлари ишламоқдалар. Ўйин заллари, спорт майдонлари болалар хизматида.

Партия ва ҳукумат ёш авлоднинг ўйин камол топиши учун алоҳида эътибор бермоқда. МХРда мактабгача болалар муассасалари кенг тармоғи вужудга келтирилган — болалар боғчалари, яслилари ишлаб турибди, буларда машғулотлар ягона таълим-тарбия планларига мувофиқ олиб борилмоқда. Чунончи кичкинтойларнинг мактабгача тарбия муассасаларида бўлганликлари учун тўланадиган ҳақ жуда оз бўлиб, кўп болалик оилаларнинг болалари эса бепул тарбияланади.

Халқ Монголиясида болалар таълим-тарбия системасининг моддий базаси йил сайин такомиллашиб бормоқда. Ҳозир МХРда давлат бюджетининг 20 процентдан ортиғи халқ маорифига сарфланмоқда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Қизил крестининг IX съезди очилди. 500 дан кўпроқ делегат ўтган беш йил ичида ташкилот фаолияти якунларини муҳокама этади ва келгуси даврдаги вазифаларни белгилаб олади.

Чехословакия Қизил кресті федерал комитети раисининг ўринбосари Ф. Новотний ҳисобот доклади қилиб, ташкилот аъзолари мамлакат аҳолиси ўртасида катта ишларни олиб бораётганликларини, 3 миллиондан кўпроқ кишига биринчи медицина ёрдами берганликларини қайд этиб ўтди. Донорлар қонининг қарийб 99 проценти ЧССРнинг медицина муассасаларига Қизил крест ташкилотларидан тушмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида табиий офатлар натижасида азият чекканларга Чехословакия Қизил крести бирдамлик фондидан моддий ёрдам бериб турилди.

Съезд ишида Болгария, ГДР, Польша, Руминия қардош ташкилотларининг делегациялари, шунингдек СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари иттифоқи ижроия комитетининг делегацияси иштирок этмоқда.

●

БАЙРУТ. Сурия вице-президенти А. Х. Ҳаддам Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги сиёсатига юксак баҳо берди. У Ливанда чиқадиган ҳафталик «Ан-Нахор ал-араби вад-дували» газетаси мухбири билан суҳбатда шуни таъкидладики, СССР араб давлатларининг империализм ва сионизмга қарши, Исроил босиб олган территорияларни озод қилиш, Фаластин халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминлаш учун, араблар сафларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

А. Х. Ҳаддам Яқин Шарқдаги можарони бартараф этишга доир халқаро конференция чақириб, унда барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши ғоясини қўллаб-қувватлаб гапирди.

●

ДАКАР. Бу ерда. Сенегал ахборот ва коммуникация ходимлари касаба союзи тузилди. Журналистларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнаткашлар ҳаракатлари билан бирдамлигини мустаҳкамлаш, мувофиқлаштириш — шу касаба союзининг бош мақсадидир. «Солей» газетасида ана шулар хабар қилинади. Янги касаба союзининг устави эълон қилинади. Абдураҳмон Сиссе унинг бош секретари этиб сайланди.

(ТАСС, 4 июнь).

● Вьетнамнинг Хайфон портида ишга туширилган Фаринг кемалар ремонтхонаси республика социалистик индустриясининг энг муҳим объектларидан бири, дир. Бу ерда йил сайин 35 та йирик денгиз кемаси капитал ремонтдан чиқарилмоқда. Суратда: портдаги кемалар ремонтхонаси ишчилари.

ТАСС фотоси.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 8 июнда чиқади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ТЕАТРНИНГ «КИЧИК САҲНАСИ»

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри томошабинлар билан яқиндан иш олиб бориш мақсадида бу ерда ўзига хос «кичик саҳна»ни ташкил этди. Бу мўъжаз саҳна орқали кейинги вақтда қатор қизиқарли маданий тадбирлар амалга оширилди.

Театр биносининг иккинчи қавати фойесида жойлашган мазкур саҳнада ҳар шанба куни ижодий учрашув ёки балет кечалари ўтказилмоқда. Навбатдаги бундай тадбир Ўзбекистон ССР халқ артисти, театрнинг етакчи актёри Г. Ҳамроева ижодига бағишланди. Томошабинлар унинг ижросида театр саҳналаштирган айрим спектакллардан парчаларни завқ билан томоша қилдилар.

С. ОДИЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

✦

ҲИСОБОТ ТИНГЛАНДИ

Яқинда тўқимачилар маданият саройида бўлиб ўтган область маданият ходимлари халқ университетининг навбатдаги машғулотида маданият саройлари ва клублар коллективларининг республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйи олдидан олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди. Тошкент область касаба союзлари совети маданий-оммавий ишлар бўлими мудири Ф. Рўзибеков. Тошкент касаба союзларароб бадиий ҳаваскорлик уйи музика бўлими бошлиғи Н. Большакова, агрегат заводи маданият саройининг директори Н. Някин ўртоқлар сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг 60 йиллик юбилейи ҳамда КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллиги олдидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Машғулотда «Кундалик ҳаёт маромида», «Менинг корхонам — менинг фахрим», «Меҳнат эстафетаси— ишончли қўлларда», каби мавзуларда оғзаки журналлар ўтказилди.

Машғулот иштирокчилари «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаваскорлик киностудияси аъзолари тайёрлаган «Менинг «Қизил тонгим» ҳужжатли фильмини томоша қилдилар.

А. ПЎЛАТОВ.

✦

«МУЛЛА МУБТАЛО»

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи халқ театрининг ижодий коллективи драматург Жамолиддин Асомиддиновнинг «Мулла Мубтало» — бир парда, тўрт кўринишли сатирик асарини намойиш эта бошлади. Спектаклни халқ театрининг режиссёри Шавкат Умаров раҳбарлигида Тошкент маданият институтининг дипломанти Тоҳир Орифжонов саҳналаштирди.

Спектаклнинг декоративсаҳна безакларини рассом Анатолий Чернов ишлаган. Асосий ролларни ишчилар, хизматчилар, студент ва ўқувчи-ёшлар ижро этмоқдалар. Асарда текин пул топиш йўлида сохта табиблик қилувчи айрим шахслар аёвсиз танқид остига олинади.

Спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Э. МУҲАМЕДОВ.

Ангрен «Резинотехника» заводи мутахассислари яратган мини-дирижабль синовдан муваффақиятли ўтди. Келажакда ундан далаларга кимёвий ўғитлар солиш ва қурилиш ишларида фойдаланиш мумкин. Мини-дирижабль учун учиш-қўниш майдони шарт эмас. У атмосфера ва атроф-муҳитга зарар етказмайди. Суратда: мини-дирижабль «Ангрен-84» парвозда.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

АТЕИЗМ МАВЗУИДА

ТАБИБГА ЭҲТИЁЖ БОРМИ?

Республикамизда даволаш ва санитария-профилактика муассасалари тармоғи кенгайиб, малакали кадрлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Жуда кўплаб тажрибали шифокорлар, ўрта медицина ходимлари беморлар хизматига ҳамиша шай. Замонавий асбоблар, самарали дори-дармонлар шифокорларимизга касалликларни тез муолажа қилишда қўл келмоқда. Лекин ана шундай имкониятларга қарамай, одамлар орасида ҳамон табибларга бориб, ўз дардини оғирлаштираётган кишилар ҳам учрамоқда. Бу ҳол кўпинча травматологик касалликларда тез-тез учраётганлиги айниқса ачинарлидир.

Яқинда шифохонамизга олтмишлардан ошган аёлни олиб келишди. Чеҳрасидан анча кун азоб чекканлиги сезилиб турипти.

— Беш-ўн бора табибга бордим, ўғлим, нафи тегмади, ҳеч синган жойи битмаяпти,—дея кўкимтир тусга кирган билагини бизга кўрсатди.

Беморни назорат қилиб бўлгач, қўлининг рентген суратини унга тушунтириб бердик. Табиб нотўғри ва қаттиқ тахтакачлаб қўйганлиги сабабли қон айланадиган томирлар эзилганлиги, суяк ҳам қийшиқ битаётганлиги кўриниб турарди. Даволаш жараёни қайтадан бошланди. Аёл табибга бориб ўзига ортиқча азоб ортирган эди.

Ўн икки ёшли Тоҳир исмли бола довучча оламан деб дарахтдан йиқилипти. Онаси негадир врачга эмас, табибга боришни афзал кўрган. Йигирма кундан кейин ўғлининг қўли шол бўлиб қолганлигидан нолиб, йиғлаб касалхонамиз шифокорларига мурожаат қилди. Узоқ кунлар давомида табиб тахтакачи олинмаслиги натижасида қўл шишиб, нерв толалари шикаст топган. Операция қилиниб толалар қайта уланди. Агар бола бошидаёқ касалхонага келтирилганда бир ҳафтада дарддан мусаффо бўлиб кетарди. Унинг табибга бориши дарднинг бир ойдан кўпроқ чўзилишига сабаб бўлди.

Кўпинча тушунган, билган, ўқиган кишиларнинг ҳам табибларга бориши кишини ҳайратлантиради. Пойтахт областимизнинг шундоққина биқинида жойлашган райондан бир ўқитувчини шифохонага олиб келишди.

— Ўзимга-ўзим қилдим,— деди у, — асли сизларга мурожаат қилсам бўлар экан, мана аҳвол.

Тут кесаётганда эҳтиётсизлик туфайли йиқилиб беморнинг елка суяги бўғинидан чиқиб кетган эди. Табибга борипти. «Уч кунда кўрмагандай бўлиб кетасиз», депти у. Ўн кун бўлибди ҳам-оғриқ қолмапти. Касалхонада чиққан суяк ўрнига солинди. Зўрға эгилиб келган бемор енгил тортиб, юзида табассум билан уйига йўл олди.

Бунақа мисоллар кўп. Ҳозир Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти қошидаги шифохонада суяк синиши, туғма суяк касалликлари, суяк шикастланиши, умуртқа поғона қийшайиши сингари дардлар муваффақиятли даволанмоқда. Бу ҳасталикларга шифо бахш этаётган ўнлаб жонкуяр, меҳрибон врачлар турганда, табибга бориб ўзига «ортиқча касал сотиб олиш»нинг ҳожати бормикин?!

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

МЕН СИЗГА АЙТСАМ...

МЕН сизга айтсам, лагонбардорлик унча-бунча одамнинг қўлидан келавермайди. Бунга ҳам қобилият керак. Ҳа, ҳа ишонаверинг. Хўш, нега ишонмайсиз?! Нима, мен сизни бир-икки бор алдаганмидим? Мана, Аъзамни олинг: келганига тўрт ой бўлди-ю, дарров бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилди. Таланти, бор-да, талант! Ишонмяпсизми? Майли, ишонмасангиз бошқа бир воқеани айтиб берай...

Бир куни ҳужжатларга имзо чектириш ниятида бошлиғимиз кабинетига кирмоқчи бўлдим. Секретарь қизнинг «трестга кетганлар», деган гапига ишониб қайтиб тушаётсам, зинада бир оғайнимни учратиб қолдим. Унинг ҳам таланти зўр! Ўзимизда бош инженер бўлиб ишлайди.

— Омадинг келди,— деди у менга кўз қисиб.— Янги бошлиғимиз бильярдга қизиқар эканлар. У киши ҳозир клубда, кайфиятлари зўр. Югур тез, бир партия ютқазиб бер...

Ҳужжатларга имзо қўйдириш баҳонасида секин клубга кириб бордим. Хўжайин ростдан ҳам шу ерда эканлар. Оғизлари қулоқларида, ҳаммани «ютаётганлари» кўриниб турибди. Боя талант керак десам, ишонмагандингиз. Мана, яна бир далил. Аъзам бильярд зўлдирларини шундай усталик билан ураяптики, шундоққина лузанинг оғзига бориб туриб қолаяпти, «пуф» десангиз тушиб кетади. Бу ёғини эса хўжайиннинг ўзлари «қотираяптилар».

Мақтаниш эмас-у, мен ҳам бильярдни тузуккина ўйнайман, ютқазиб бериш бемалол қўлимдан келади. Шуни ўйладим-у, кўзимга яқинда ишдан бўшаган таъминот бўлими бошлиғининг ўрни кўриниб кетди. Навбатга турдим. Бошлиғимиз бир гапириб, ўн куляптилар. Ҳамма хўжайинни тезроқ хурсанд қилсам деб ошиқади. Назаримда, ҳозир бўлим бошлиғи лавозимини кимдир мендан олдин олиб қўядигандек энтикиб кетдим.

Ҳамма ютқазганда мен ютқазолмайманми дедим-у, гал келганда кийни қўлимга олдим. Хўжайин «сенинг ҳам жиғингни эзиб қўяман» дегандек қараб қўйдилар. Мен ҳам «ўзим ёрдамлашаман» дегандай ним табассум қилдим.

— Сен буз!— буюрдилар акахонимиз.

Бошлиқнинг гапларини иккі қилмай зарб билан зўлдирни урдим. Буни қарангки, бузилган зўлдирлардан бири худди ўргатиб қўйгандек бурчакдаги лузага «дўқ» этиб тушса бўладими! Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳаяжондан қўлларим қалтирай бошлади. Хўжайин «ҳа, зўрсан-ку!» дегандек чор-ночор йўталиб қўйдилар.

«Ҳечқиси йўқ», дедим ичимда ўзимга далда берган бўлиб. «Тасодифан тушиб қолди, қўрқма, ҳаммаси ҳали олдинда».

Ҳозир «подставка»га қўйиб бераман деб кейинги зўлдирни урдим. Ёпирай, бунисиҳам индамай тушиб кетди. Хўжайиннинг овози чиқмай қолди. Учинчи зўлдир тушганидан сўнг юзларидаги шодликдан асар ҳам қолмади. Нима бало, қўл қурғур қалтирасаям тўғри ураді-я! Тўртинчи зўлдир ҳам «жойини топганда» хўжайин «ҳм-м» деб томоқ қириб қўйдилар. Яна ургандим, ҳайтовур, тушмади. Шундай хурсанд бўлиб кетдимки, асти қўяверасиз. Ўша тушмаган зўлдирни ўпиб олишимга сал қолди. Бошлиқ бир оз ҳаяжонландилар, шекилли, луза оғзидаги зўлдирни ҳам тушира олмадилар. Яна менга гал келди. Келмаса ҳам жон дердим-у, лекин на чора. Кўзимни юмиб урган зўлдир аксига олиб ўртадаги лузага бориб тушди. Хижолатдан бошимни кўтаролмай қолдим. Кейинги урганимда иккита зўлдир кетма-кет тушганида «дод деб юборишимга оз қолди. Нажот излагандай секин атрофга қарасам, залда ҳеч ким қолмабди.

Бошқа жойда гапирсанг биров ишонмайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, бошлиқ билан ҳам шунақа ўйнайдими? Ютаман деганимда ҳам бошқа гап эди. «Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади», деганлари шу бўлса керак-да.

Тегмаса жарима қўяман деб охирги зўлдирни тескари томонга йўналтирдим... Бильярд ўйнамай мен ўлай, зўлдир бортга тегиб орқага қайтди-да, тўппа-тўғри луза оғзида турган бошқа бирига урилди. У эса «дўқ» этиб... бошимга урилгандай бўлди. Кўз олдим қоронғилашиб, оёқ-қўлларим бўшашиб, қўлимдаги кий тарақлаб ерга тушди. Фақат бошлиғимнинг еб қўйгудек тикилиб турганларини эс-эс биламан, холос.

Кейин нима бўлди, дейсизми? Нима бўларди. Умрим бино бўлиб, шу вақтгача бирор марта ҳам иш вақтида қўлимга кий ушламаган бўлсам ҳам, «Сурункасига иш вақтида бильярд ўйнаганлигим учун» ҳайфсан олдим. Аслида-ку, бильярд — бир ўйин. Ўйинда ютқазиб қўйганда ҳафа бўлиш...

Хуллас, шунақа гаплар. Лаҳатда чиригур лагонбардорлик ҳам анча меҳнат талаб қилишига энди ишонган дирсиз. Мен сизга айтсам, бунга ҳам талант керак экан!..

Баҳром ЮНУСОВ.

(ҲАЖВИЯ)

ЭРКИН КУРАШ. Голландиянинг Слагхарен шаҳрида эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида Европа чемпионати ўтказилди. Унда тошкентлик қобилиятли спортчи Махарбек Ҳадарцев муваффақиятли қатнашди ва олтин медаль эгаси бўлди. Бу мусобақада совет спортчиларидан саккиз киши олтин медаль олди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Мадридда енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда тошкентлик Александр Харлов 400 метрга тўсиқ орқали югуришда энг яхши натижа кўрсатди ва биринчи ўринни эгаллади. Сочида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида эса чирчиқлик Людмила Бутузова 1 метр 93 сантиметрга сакраб, ғолиблик шарафига муяссар бўлди. Тошкентлик Сергей Усов эса 110 метрга тўсиқ орқали югуришда 13.76 секунд натижа кўрсатиб рақибларидан анча ўзиб кетди.

ВЕЛОСПОРТ. Таллинда бир километрга ўтказилган велопойгада мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари иштирок этишди. Жуфт пойгада армиячи Сергей Копилов ва тошкентлик Александр Панфиловлар ғолиб бўлишди. Якка пойгада эса С. Копилов маррага биринчи бўлиб келди. Ҳамшаҳримиз А. Панфилов иккинчи ўринни эгаллади. Худди шу ерда Эстония ССР Ички ишлар министрлигининг совғини учун шоссе пойгаси ўтказилди. Унда тошкентлик динамочи Шоҳид Загриддинов бош совғин эгаси бўлди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—1985 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФОРТЕПЬЯНО — музика мактабларининг ўқитувчиларини тайёрлайди;

ТОРЛИ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — музика мактабларининг ўқитувчилари, оркестр артистларини (скрипка, альт, виолончель, контрабас) тайёрлайди;

ПУФЛАБ ВА УРИБ ЧАЛИНАДИГАН АСБОБЛАР— оркестр артистлари, ҳаваскорлик оркестрларинг раҳбарлари, чолғу асбобларидан бири бўйича (флейт, гобой, туба, валторн, тромбон, уриб чалинадиган асбоблар) музика мактабларининг ўқитувчиларини тайёрлайди;

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — ҳаваскорлик халқ чолғу асблари оркестрларининг раҳбарлари, чолғу асбобларидан бири бўйича (баян, рубоб, дутор, доира, най, қўш най, ғижжак, чанг) музика мактабларининг ўқитувчиларини тайёрлайди;

АШУЛА — ансамбль артистлари;

ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ — хор дирижёрлари, сольфеджио бўйича музика мактабларининг ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг музика ва ашула ўқитувчиларини тайёрлайди;

МУЗИКА НАЗАРИЯСИ — сольфеджио бўйича музика мактабларининг ўқитувчилари, музикали адабиёт ва умумий фортепьяно.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Кирувчиларнинг ҳаммаси ихтисослик бўйича (ашуладан ташқари) 7 йиллик музика мактаби ҳажмида музика тайёргарлигига эга бўлишлари шарт.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 6 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Консультациялар 25 июндан бошланади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 6—20 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бекобод шаҳри, Школьная кўчаси, 14-уй.

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Буратино кўргазмаси». 10.10 — Концерт. 10.40 —«Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.45 — «Саёҳатчилар клуби». 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.50 — «Буюк жасорат». 17.00 — «Спорт ҳафталиги». 17.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.00 — Концерт. 18.45 — «Дунё ва ёшлар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Телефильм. 20.20 — «Касби-терговчи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. «Зенит» (Ленинград) — «Факел» (Воронеж). 23.45— «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Киножурнал. 9.35 — «Ҳаво варраги учирилган пайтда». Телевизион бадиий фильм. 10.40 — «Моҳир қўллар». 11.10 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 11.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.30 — Киножурнал. 12.40 — «Каникулдаги саргузашт». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 14.00 — 14.30 — «Онамларнинг мактаби». 15.00 — Усимликлар олами. 15.45 — Телеочерк. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Арно Бабаджанянинг фортепьяно ижроси учун 6 та пьесаси. 19.30 — «Олтин қумлар авторалиси». 20.00—20.30 — Концерт. 20.45 — «Дўстларимиз чеҳраси». 21.30 — «Время». 22.00 — «Сергеев Сергеевни изламоқда». Телевизион бадиий фильм. 23.05— Концерт.

ЎзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Кўғирчоқ фильм. 10.55 — Фильм-концерт. 11.40 — Степановнинг хотира дафтари. Бадиий фильм. 13.00 — 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.35 — «Бирга бўлсак ҳаммамиз». 19.10 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Халқ контроли экрани». 20.15 — «Бугун оламда нима гап?». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Ғўза парваришига— аъло сифат». 22.15 — «Олоғли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.15 — МТ-II. 18.45 — Телефильм. 19.15 — «Ким бўлсам эканг?». 19.40 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Тошкент шаҳар Ҳамза райони. 20.50 — Телефильм 21.30 — МТ-II.

Р. 12306. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1716. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12